


Белбоғли курашчиларда статодинамик куч чидамкорлигини баҳоловчи рақамли ўлчов ускунаси- “СКЧБРЎУ-ЭБД”.

Ускунанинг функциялари

“СКЧБРЎУ-ЭБД” – рақамли ўлчов ускунаси белбоғли курашчиларда ихтисослаштирилган статодинамик режимларда (изометрик, изотоник, концентририк ва эксцентририк режимлар) амалга ошириладиган куч чидамкорлигини баҳолашга мўлжалланган. Ускунанинг рақамли ўлчов механизми, натижани мониторда кўрсатувчи ва уни хотирада сақловчи функциялари электр тармоғидадан узиб қўйилса, ундан статодинамик куч турларини ривожлантирувчи тренажер сифатида фойдаланишга мослаштирилган. Ускуна ва унинг таркибий элементлари (8-расм)да акс эттирилган.



8 – расм.Ускуна ва унинг таркибий элементлари

Ускунанинг техник тафсилоти.

Ускунанинг рақамли ўлчов компоненти меъёрланган оғирлик (40, 50, 60, 70 кг ва ҳ.к)ка уланган дастани белгиланган бурчакда (45° , 90° ёки 50%) юқорига кўтариб мах вақт давомида мушакларни статик режимда кучланиш (изометрик) даражасини сақлаш ва белгиланган оғирликни динамик (изотоник) режимда концентрик – эксцентрик йўналиш бўйлаб мах вақт давомида ($t = \text{сек}$) мах марта такрорлаш натижаларини ҳисоблайди, мониторда акс эттиради ва хотирада сақлайди. Ускуна $12 \text{ В} \pm 1\%$ электр қувватида ишлайди. Истемол қилиш қуввати 12 Втдан ортмайди. Ускунанинг оғирлигини кўтариш кучи ҳақида сигнал дастакга уланган “трос” сим орқали ишга тушади. Ускуна мониторида натижани ҳисоблаш, акс эттириш ва хотирада сақлаш HL1 – HL7 – типдаги светодиодли индикаторлар ёрдамида амалга оширилади.

Ускунанинг таркибий элементлари:

- 1 – ускуна формати;
- 2 – 7 та устма – уст жойлаштирилган тош – пластинкалар (10 кг.дан – 70 кг.);
- 3 – дастакка уланган ва роликлар орқали тош – пластинкаларга уланган “трос – сим”;
- 4 – натижани ҳисобловчи, мониторда акс эттирувчи ва хотирада сақловчи ўлчов комплекси;
- 5 – ускунани ишга туширучи, тухтатувчи ва электр тармоғидан узувчи тугмалар.

Ускунадан куч турларини (статик ва динамик куч чидамкорлиги) баҳолашда курашчининг вазн тоифасига қараб ёки белгиланган мақсадга қараб тошлар оғирлиги 10 кг.дан 80 кг.гача меъёрланиши мумкин.